



**TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS**

EXPECTED DURATION OF EDUCATION

HRM LIFE EXPECTANCY HEALTH STATUS HUMAN C

STATUS HUMAN CAPITAL HUMAN CAPITAL IND

VOLUME 7 / 2024

LABOR ECONOMIC

QUALITY OF EDUCATION EXPECTED DURATION

DURATION OF EDUCATION

LIFE EXPECTANCY HEALTH

HRM HUMAN CAPITAL

HUMAN CAPITAL INDEX

QUALITY OF EDUCATION EXPECTED DURATION

**TASHKENT S
OF ECONOMI
LABOUR ECO
HUMAN CAPI**

MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ilmiy elektron jurnali

LABOUR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

scientific electronic journal

2024 yil 1-son

Volume 7, Issue 1, 2024



МЕХНАТ ИКТИСОДИЙОТИ
ВА ИНСОН КАПИТАЛИ
ISSN: 3030-3117



LABORECONOMICS.UZ

МЕХНАТ ИКТИСОДИЙОТИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ
№ 1-2024

ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ
КАПИТАЛ

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O’zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro’yxatga olingan.

Muassis: “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

Tahririyat manzili:

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko’chasi,
49 uy

Elektron manzil: ilmymaktab@gmail.com

Jurnal web-sayti: www.laboreconomics.uz

Bog’lanish uchun telefonlar:

+998998818698

Tahririyat Kengashi raisi:
(Chairman of the Editorial Board)

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

Tahririyat Kengashi a'zolari:
(Members of the Editorial Board)

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.
Yusupov Axmadbek Tadiyevich, i.f.d.. prof.
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof
Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof
Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.
Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.
Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d, prof.
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.
Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.
Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d.. prof.
Xudoibergaliyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.
Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)
Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.
Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.
G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.f.d., (PhD), dots.
Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

Jamoatchilik Kengashi a'zolari:
(Community Council members)

Bred Bodenxauzen (AQSh)
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)
Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)
Xeynz Miller (AQSh)
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)
Masato Xivatari (Yaponiya)
Gerxard Feldmayer (Germaniya)
Eko Shri Margianti (Indoneziya)
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)
Rohana Ngah (Malayziya)
Sharifah Zanniyerah (Malayziya)
Teguh Dartanto (Indoneziya)
Nur Azlinna (Saudiya Arabiston)
Muhammed Xoliq (Pokiston)
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief): G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

Veb-administrator (Web admin): Musayev Xurshid Sharifjonovich



+99899 881-86-98



ilmiyaktab@gmail.com



Tashkent, Uzbekistan



www.laboreconomics.uz

MUNDARIJA (CONTENTS)**MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI**

G.K.Abduraxmanova	<i>Mamlakat aholisini unumli bandlik darajasini oshirish mexanizmini takomillashtirish</i>	7-18
S.B.G'oyipnazarov		
S.P.Qurbanov		
B.E.Mamaraximov	<i>Ishchi kuchini takror ishlab chiqarish yoshlar bandligini ta'minlash omili sifatida</i>	19-25
A.A.Yadgarov	<i>Agrar tarmoqni su'urtalasha malakali kadrлar tayёрлаш ҳолати ва rivojlanтириш istiқbolлari</i>	26-32
S.P.Qurbanov	<i>O'zini o'zi band qilishda zaif bandlikdan unumli bandlik sari transformatsion jarayonlar</i>	33-45
N.R.Saidov	<i>Yangi ish o'rinalarini tashkil etishga investisiyalar ta'sirini ekonometrik tahlili</i>	46-56
F.O'Masharipov	<i>Meҳнат бозорида xусусий сектор эҳтиёжи асосида ўрта бўғин кадrларини тайёрлаш: muammolар ва eчимлар</i>	57-70
S.M.Kurbanbayeva	<i>Kвалификационные рамки в современном образовании и рынке труда</i>	71-80
I.X.Xuvaydullayeva	<i>Миллий меҳнат бозорида инсон ресурсларидан самарали фойдаланиши имкониятлари</i>	81-90
G.R.Kuziyeva	<i>O'zbekistonda raqamlashtirish va ta'lim orqali mehnat unumdorligini oshirishning miqdoriy tahlili</i>	91-101

INSON KAPITALI

A.B.Irmatova	<i>Raqamli iqtisodiyotda inson kapitalini rivojlantirishda o'qitish tizimi</i>	102-117
A.M.Saidahmadov		
S.M.Dusanov	<i>Taъlim tizimida moliajvий ресурслар самарадорлигини оширишининг rivojlanangan horижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари</i>	118-134
I.I.Ergashev	<i>Kичик бизнес ва xусусий тадбиркорликни rivojlanтиришда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш uslubиёti</i>	135-145
Sh.A.Xodjayeva	<i>Основы формирования и функционирования маркетинговой деятельности высших образовательных учреждений</i>	146-159

M.R.Babadjanova	<i>Иқтисодий категория сифатида инсон капиталининг моҳияти ва унда таълимни ўрни</i>	160-172
D.B.G'aniyeva	<i>Ходимларни ўқитиш ва ривожлантиришнинг дастурларининг самарадорлигини баҳолаш муаммолари</i>	173-184
 INSON TARAQQIYOTI		
D.I.Iskandarova	<i>O'zbekistonda aholi daromadlari va unga ta'sir etuvchi omillar tahlili</i>	185-194
 KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH		
M.X.Fayziyeva	<i>Kambag'allikni qisqartirishga raqamli texnologiyalarning ta'siri</i>	195-210
 INSON RESURSLARINI BOSHQARISH		
M.Sh.Xaydarova	<i>Использование автоматизации и искусственного интеллекта в управлении человеческими ресурсами: тренды и ожидания</i>	211-221
M.M.Xolmatov	<i>Inson resurslarini samarali boshqaruvida inson kapitalini rivojlantirish</i>	222-232
G.Q.Mo'ydinova	<i>O'zbekistonda to'qimachilik korxonalarining rivojlanish holati va ularda xodimlarni boshqarish tendensiyalari tahlili</i>	233-238
O.I.Rasuljonov	<i>KPI – xodimlar faoliyati samaradorligini baholashning zamонавији тизими</i>	239-246
 TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH		
S.U.Ismailova D.U.Adilova	<i>Теоретические основы развития стратегии цифрового маркетинга на рынке сферы услуг и туризма</i>	247-254
Z.M.Jabborova	<i>Jizzax viloyatida kichik biznes va tadbirkorlikda mehnat munosabatlarining rivojlanishi holati</i>	255-263
S.S.Mamatqulov D.I.Iskandarova	<i>O'zbekistonda tadbirkorlikni innovatsion rivojlantirish asosida aholi farovonligini yuksaltirish yo'llari</i>	264-274
M.Sh.To'xtayeva	<i>Platformalarda informatsion xaritalar – aholi tadbirkorlik qobiliyatini rivojlantiruvchi vosita sifatida</i>	275-282
T.A.Urkinbayev	<i>Влияние реформ в сфере туризма на рост экономики Узбекистана и развитие предпринимательства</i>	283-292

D.A.Vahobov

- Кичик бизнес субъектлари фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш 293-305
Factors and assessment methods in the development of HR branding: foreign experience 306-314

Z.Dj.Adilova

O.U.Oxunova

GENDER TENGLIK

- O'zbekiston mehnat bozorida gender tengligi: muammolar va islohotlar* 315-324



**МЕHNAT IQTISODIYOTI
VA INSON KAPITALI**
ISSN: 3030-3117
<https://laboreconomics.uz/>



**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЁТИ**

Эргашев Илҳомжон Икромович

и.ф.ф.д (PhD), Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти
“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси доценти
e-mail: ergashev_1980@list.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a65

Аннотация. Мақолада Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг миллий услубиётини ишлаб чиқишида мамлакат иқтисодиёти учун хос бўлган, республика иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқлари учун умумий хусусиятларни ўзида акс эттира оладиган универсал таҳлилий ёндашувлар акс эттирилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари инвестицион фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни ўзаро аълоқадорлик даражасидан келиб чиқсан ҳолда турли гурухларга ажратиш тавсия қилинади.

Калит сўзлар. Инвестицион салоҳият, инвестицион жозибадорлик, компонентли ёндошув, ўсиш нуқтаси, тизимли ёндошув, ялпи даромад, дисконтланган соғ даромад, пул оқими, қоплаш муддати, дотация, ички даромадлилик нормаси, таваккалчиликка нисбатан сезувчанлик индекси.

**ASSESSMENT OF THE EFFECTIVENESS OF USING INVESTITIS IN THE
PROCESSING OF SMALL BUSINESS AND PUBLIC EDUCATION**

Ergashev Ilhomjon Ikromovich

PhD, Andijan Institute of Economics and Construction

Associate Professor of the "Economy of Networks" Department

Abstract. In the article, in the development of the national methodology for evaluating the effectiveness of the use of investments in the development of small business and private entrepreneurship, universal analytical approaches that are specific to the country's economy and can reflect the general characteristics of various sectors and branches of the republic's economy are reflected. It is recommended to divide the factors affecting the efficiency of investment activity of small business and private business entities into different groups based on the degree of mutual relationship.

Keywords. Investment potential, investment attractiveness, component approach, growth point, systematic approach, gross income, discounted net income, cash flow, payback period, endowment, internal rate of return, risk sensitivity index.

Кириш

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича, бугунги кунда аксарият мамлакатлар ЯИМнинг 60-70 фоизи айнан ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали мамлакатлар миллий иқтисодиётида рақобат муҳитининг кучайиши, истеъмол секторини кенгайтириш орқали талабни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан тўйинтириш, мамлакат экспорти ҳажмини ошириш, давлат бюджети даромадларини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам аксарият мамлакатлар айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг инвестицион самарадорлигини ошириш, ушбу соҳани инновацион ривожланиш йўлига ўтказишга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишга устуворлик қаратадилар.⁴³

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқлари таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ортиб, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Хусусан, 1991 йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда ушбу кўрсаткич 31 фоизга, 2016 йилда эса қарийб 65,0 фоизга етди. 2016-2022 йилларда мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тармоқларида фаолият олиб бораётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони қарийб 2,0 марта ортган ҳолда, мос равишда 210,6 минг бирлиқдан 411,2 минг бирлиқка етди. Таҳлил этилаётган даврда умумий корхона ва ташкилотлар таркибида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 86,5 фоизга ўсади. Шунингдек, 2017-2022 йилларда мамлакатимизда жами 288 мингдан ортиқ янги корхоналар ташкил этилган бўлса, шундан 94,9 фоизи ёки 273,2 мингтаси айнан кичик бизнес корхоналари хиссасига тўғри келади.⁴⁴ Шунингдек, 2018 йилдан бошлаб мамлакатимизда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилишга қаратилган ислоҳотларга устуворлик қаратилиб, давлатнинг “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Хунармандчиликни ривожлантириш” каби фаол ижтимоий ҳимоя дастурлари асосида аҳолининг кам даромадли гуруҳларини имтиёзли шартлар асосида кредитлаш орқали уларнинг тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга устуворлик қаратилди. Сўнгги йилларда мамлакатда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган бу турдаги давлатнинг фаол ижтимоий дастурлари доирасида жами 13 трлн. сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд

⁴³ Ҳожиев Б. Кичик бизнес – иқтисодиётнинг кон томири. Янги Ўзбекистон газетаси. 28.07.2021 й. <https://yuz.uz/news/kichik-biznes> - iqtisodiyotning-qon-tomiri

⁴⁴ Ҳожиев Б. Кичик бизнес – иқтисодиётнинг кон томири. Янги Ўзбекистон газетаси. 28.07.2021 й. <https://yuz.uz/news/kichik-biznes--iqtisodiyotning-qon-tomiri>

оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишларига эришилди.⁴⁵

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мазмун моҳияти, уни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар, кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни ҳамда аҳамияти тўғрисида илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Р.Хизрич ва М.Питерслар тадбиркорлик – бу қийматга эга бўлган янгилик яратиш жараёни бўлиб, вақт ва ишчи кучини ўзлаштиради, ўзига молиявий, маънавий-ижтимоий жавобгарликни қабул қилишга, шахсий манфаатни қаноатлантиришга ва маълум даромад олишга олиб келади⁴⁶, дея таърифлайдилар. Й.Шумпетар фикрича, “иқтисодий ўсишнинг негизида тадбиркорни ишлаб чиқариш омилларини янги комбинациясини ишлатишга, қўллашга бўлган интилиши ётади ва бу интилишнинг натижаси инновация, янгиликлар ҳисобланади”⁴⁷, дея таъкидлайди. Рус иқтисодчи олимларидан Ф.И.Шахмаловнинг фикрича “тадбиркорлик мустақил иқтисодий фаолият сифатида инвестиция ва хавф-хатар билан боғлиқ бўлиб, фойда ёки бошқа қўшимча даромад олишдир”⁴⁸, деб таърифласа, Ю.С.Мухин эса “тадбиркорлик иқтисодий тараққиёт омилларидан биридир, фуқороларни ёки хўжалик юритувчи турли мулкчилик шаклига асосланган таркибларнинг мустақил фаолиятидир”⁴⁹, деб хисоблайди. Мамлакатимизда иқтисодчи олимларидан С.С.Гуломовнинг “Тадбиркорлик ва кичик бизнес” номли ўқув қўлланмасида Кичик бизнеснинг ривожлантиришда инвестициялар орқали ифодалайдиган фикрлар келтирилмаган бўлса-да, унга яқин фикрлар билдирилган. Тадбиркорлик муҳитига ички ва ташқи омилларнинг таъсири ва уларнинг ўзгарувчанлиги тўғрисида қисқа фикр берилган⁵⁰. Б.Ю.Ходиев, М.С.Қосимова, А.Н.Самадов каби иқтисодчиларнинг мулоҳазаларига кўра “...тадбиркорлик муҳити асосан қуидаги тўртта омил: ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасида амалга оширилади”⁵¹. Иқтисодчи М.Расулов эса тадбиркорликни “...ривожланиши учун маълум шароитлар талаб

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4862-сон Қарори, 13.10.2020 й. <https://lex.uz/docs/5045889>

⁴⁶ Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: 1993, с. 26.

⁴⁷ Шумпетер Й. Теория экономического развития – М.: 1982. С. 159.

⁴⁸ Шахмалов Ф.И. Взаимодействие предпринимательских и властных структур: вопросы теории и практики. Автореферат диссертации доктора экономических наук. Санкт-Петербург. 1998. С. 34.

⁴⁹ Мухин Ю.С. Предпринимательство в рыночном хозяйстве: региональные аспекты его регулирования.

⁵⁰ Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: ТДАУ, 1998.

⁵¹ Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. Абулқосимов П., Кулматов А. Тадбиркорлик сермашаққат фаолият. // «Иқтисод ва ҳисобот», 1997, 9-сон. –9-б.

етилиб...”⁵² бу шароитлар иқтисодий, сиёсий, руҳий ва ҳуқуқий асослардан иборат эканлигини қайд этади. У.В.Гафуровнинг⁵³ илмий диссертациясида кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш, ишбилармонлик муҳитини кенгайтиришга доир масалаларга эътибор қаратилган. Бундан ташқари Республикализ бир қатор олимларининг илмий ишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумназарий, худудлар тармоқ муаммолари, инфратузилма объектларини моделлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган⁵⁴. Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз олимлари томонидан республикамизда кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, шу билан соҳага киритилаётган инвестициялар самарадорлигини ошириш борасидаги тадқиқотлар етарли эмас ёки бўлмаса кўпчилиги тадбиркорликнинг назарий муаммоларига бағишлилангандир⁵⁵. Шунинг учун, республикамизда кичик бизнесни ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва баҳолаш, иқтисодиёт ва мулк секторлари ривожланишидаги ўзаро алоқалар ҳамда номутаносибликларни аниқлаш, кичик бизнесни ривожлантиришдаги институционал ўзгаришларни илмий таҳлил этган ҳолда устувор йўналишларини аниқлаш каби илмий-назарий муаммолар, монополияга қарши курашиш сиёсати, каби илмий-амалий муаммоларни ҳал қилиш ва амалий татбиқ этишга ҳақиқий зарурат туғилмоқда.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик асосини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги қонун ости ва меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар, Президент фармон ва қарорларидан фойдаланилди. Шунингдек, тадқиқот ишига оид қарашларни, фикрларни таҳлил қилишда индукция ва дедукция усуллари кенг қўлланилди. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотларининг таҳлилида статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатув усулларидан фойдаланилди. Ишни мазмунини бойитиш ва унга хulosавий фикрларни беришда илмий абстракциялаш ва бошқа усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан “Covid-19” инқиrozига қарши курашиш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича кўрсатилган саккизта устувор йўналишларнинг

⁵² Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари: Дарслик. –Т.: Ўзбекистон, 1999.

⁵³ Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш: икт. фан. док. дисс. –Т.: 2017. – 309 б.

⁵⁴ Абулқосимов П., Кулматов А. Тадбиркорлик сермашақкат фаолият. // «Иқтисод ва хисобот», 1997, 9-сон.

⁵⁵ К.Каримова, К.Шарифходжаева. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – мамлакат иқтисодий таянчи. “Халқаро молия ва хисоб” илмий электрон журнали. №1, февраль, 2017 йил.

бири айнан кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобланади.⁵⁶ Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан, мамлакатда ўзини ўзи банд қилиш орқали хўжалик фаолияти юритиш турларининг умумий сони 24 тадан 67 тага кўпайтирилди.⁵⁷ Ушбу ҳолат мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган ислоҳотларга устуворлик қаратилаётганлигидан далолат беради.

Шу ўринда, миллий иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида хўжалик фаолияти юритаётган кичик корхоналар сонининг ортиши билан мамлакатимиз ЯИМ ҳажмининг ўсиш тенденциялари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш мақсадида чизиқли регрессия тенгламасидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга оширидик. Бунда қуйида тенгламадан фойдаланилади:

$$Y_x = a + bX \quad (1)$$

Чизиқли регрессия тенгламаси асосида тузилган формуладаги a ва b кўрсаткичларнинг қийматларини аниқлашда кичик квадратлар усулидан фойдаланамиз:

$$\begin{cases} na + b \sum X = \sum Y \\ a \sum X + b \sum X^2 = \sum XY \end{cases}$$

Юқоридаги кичик квадратлар усули асосида келтирилган формуладаги n кузатишлар сони даврига тенг бўлиб, қолган кўрсаткичларни 1-жадвалда келтириб ўтилди. 1-жадвалда амалга оширилган ҳисоб-китоб натижаларига таянган ҳолда, кичик квадратлар усули асосида тузилган тенгламага тегишли кўрсаткичларни жойлаштирамиз:

$$\begin{cases} 7a + 1852,3b = 2429338,2 \\ 1852,3a + 528713,75b = 715088024,7 \end{cases}$$

⁵⁶ Иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш бўйича асосий йўналишлар белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 9 июнь куни ўtkazilgan миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга доир долзарб масалалар муҳокамасига бағишинланган йигилишда сўзлаган нутқидан. <https://president.uz/uz/lists/view/3639>

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-4742-сон Қарори, 08.06.2020 й. <https://lex.uz/docs/4849607>

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони билан мамлакат ЯИМ ҳажми ўртасидаги боғлиқлик қийматлари⁵⁸

Йиллар	Иқтисодиёт тармоқларида хўжалик фаолияти юритаётган жами кичик корхоналар сони, минг бирликда, (Х)	ЯИМ ҳажми, млрд. сўмда (Y)	X ²	XY
2016	196	177153,9	38416	34722164,4
2017	207,1	210183,1	42890,41	43528920,01
2018	210,6	242495,5	44352,36	51069552,3
2019	229,7	302536,8	52762,09	69492702,96
2020	262,9	406648,5	69116,41	106907890,7
2021	334,8	510117,2	112091,04	170787238,6
2022	411,2	580203,2	169085,44	238579555,8
Жами	1852,3	2429338,2	528713,75	715088024,7

Юқорида келтирилган тенглама асосида амалга оширилган ҳисоб китобларга кўра, *a* кўрсаткичнинг қиймати – 148 651 га, *b* кўрсаткичнинг қиймати эса 1873,291 эканлиги аниқланди. Ушбу вазиятдан келиб чиқсан ҳолда, миллий иқтисодиётининг турли тармоқларида хўжалик фаолияти олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони билан мамлакат ЯИМ ҳажми ўртасидаги боғлиқликни чизиқли регрессия тенгламасини қуидаги тартибда ифодалаш мумкин бўлади:

$$Y_x = -148651 + 1873,291X$$

Миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида хўжалик фаолияти олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони билан мамлакат ЯИМ ҳажми ўртасидаги боғлиқликни чизиқли регрессия тенгламаси асосида таҳлил этиш орқали, миллий иқтисодиёт тармоқлари таркибида кичик бизнес субъектларининг сони қўшимча 1 000 бирликка ортганда, мамлакат ЯИМ ҳажми 1 873,3 млрд. сўмга ортади деган холосага келиш мумкин бўлади. Ушбу ҳолат мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигидан далолат беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда мамлакатда камбағаллик даражасини қисқартиришдаги масалаларни ҳам ижобий ҳал этиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларининг самарадорлигини ошириш орқали мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш заруриятини уйғотади.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

“Ўзбекистон - 2030” стратегиясининг 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг 27 - бўлими “Мамлакатда камбағаллик даражасини қисқартириш дея номланиб:

- 2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилга нисбатан 2 баробарга;

- 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш, камбағалликка тушиш ҳавфи мавжуд 4,5 миллион аҳоли даромадини ошириш⁵⁹ кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, 2022 йилнинг ўзида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлат бюджетидан 92 млрд. сўм субсидия ажратиш орқали кичик бизнес корхоналари фаолиятини ташкил этиш ҳисобига 210 мингта, тармоқ ва ҳудудий инвестиция лойиҳалари ҳисобига 248 мингта янги иш ўрни очиш мўлжалланган.⁶⁰

Юқорида келитирилган статистик маълумотлар таҳлилига кўра, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, жумладан, ушбу соҳани инвестициялашга қаратилган дастурларга устуворлик қаратилмоқда. Хусусан, 2014-2022 йилларда республикада кичик бизнес корхоналарига жалб этилган умумий инвестициялар ҳажми кескин ортган ҳолда, мос равишда 5 797,5 млрд сўмдан, 77 715,2 млрд. сўмга етди (2-жадвал).

2-жадвал

Иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган кичик корхоналар билан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг қийматлари⁶¹

Йиллар	Иқтисодиёт тармоқларида хўжалик фаолияти юритаётган жами кичик корхоналар сони, минг бирлиқда (Х).	Кичик корхоналарда асосий капиталга ўзлаштирилган жами инвестициялар ҳажми, млрд. сўмда, (Y)	X ²	XY
2014	196	5797,5	38416	1136310
2015	207,1	6722,4	42890,41	1392209,04
2016	210,6	8874,1	44352,36	1868885,46
2017	229,7	14486,5	52762,09	3327549,05
2018	262,9	33111,9	69116,41	8705118,51
2019	334,8	70650,2	112091,04	23653686,96
2020	411,2	77715,2	169085,44	31956490,24
Жами	1852,3	217357,8	528713,75	72040249,26

⁵⁹ “Ўзбекистон-2030” стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон Фармони

⁶⁰ Ҳайтов А. Бош мақсад – тадбиркорлар билан очик мулокотни йўлга кўйиш, бизнес вакиллари билан елкама-елка ишлаш. https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/34199/?phrase_id=7724001

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Ушбу ҳолат мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш, ундаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга устуворлик қаратиш заруриятини уйғотади. Мазкур вазиятдан келиб чиқиб, мамлакатимиз иқтисодиётида фаолият олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони билан кичик корхоналарда асосий капиталга ўзлаштирилган жами инвестициялар ҳажми ўртасидаги регрессион таҳлилни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда ҳам юқорида келтирилган чизиқли регрессия (1) функциясидан, шунингдек, ҳисоб китобларни амалга оширишда а ва b кўрсаткичларнинг қийматларини аниқлашда кичик квадратлар усулидан фойдаланамиз.

2-жадвалда амалга оширилган ҳисоб китоблар асосида кичик квадратлар усулидаги тенглама кўрсаткичларига аниқлик киритиб ўтилди:

$$\begin{cases} 7a + 1852,3b = 217357,8 \\ 1852,3a + 528713,75b = 72040249,26 \end{cases}$$

Кичик квадратлар усулига асосланган тенгламаларни ечиб, $a = -68\,597,8$ ва $b=376,587$ эканлиги аниқланди. Ушбу ҳолат мамлакатимиз иқтисодиётида фаолият олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони билан кичик корхоналарда асосий капиталга ўзлаштирилган жами инвестициялар ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ўзида акс эттирувчи чизиқли регрессия тенгламаси қўйидагича ифодаланишини англатади:

$$Y_x = -68597,8 + 376,587X$$

Амалга оширилган чизиқли регрессион таҳлил натижаларига асосланган ҳолда, мамлакатимиз миллий иқтисодиёт тармоқларида хўжалик фаолияти олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони қўшимча 1000 барликка ортганда кичик корхоналар фаолиятини ривожлантириш мақсадида барча манбалар ҳисобидан уларнинг асосий капиталига йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми қарийб 376,6 млрд. сўмга ортиши аниқланди. Ушбу ҳолат мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг инвестицион жозибадорлиги ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Таҳлиллар кўрсатишича, тараққий этган мамлакатлар миллий иқтисодиёти тармоқларида фаолият юритувчи кичик корхоналарнинг аксарияти ўз фаолиятига инвестицион лойиҳаларни мустақил жорий этишади. Шунингдек, кичик бизнес корхоналарига жалб этилаётган инвестициялар асосан янги кичик корхоналарни ташкил этиш ва банкротлик ҳолатига тушиб қолаётган кичик корхоналарнинг хўжалик

фаолиятини сақлаб қолиш мақсадида амалга оширилади. Масалан, АҚШнинг аксарият банкротлик ҳолатидаги кичик корхоналари Япония ва Хитойлик инвесторларнинг маблағлари ҳисобига ўз фаолиятларини қайта тиклашга эришган бўлсалар, Англияда эса Нидерландия инвесторлари муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда эса кичик бизнес корхоналари фаолиятини инвестициялашда асосан Корея, Англия, АҚШ, Германия каби мамлакатларнинг инвестицияларидан кенг фойдаланилади.⁶²



1-расм. Кичик бизнес субъектларининг инвестиция имкониятлари- фойдаланиш-кўллаб қувватлаш-мониторинг амалга оширувчи (on-line) онлайн хизматлар⁶³

Таҳлиллардан келиб чиқиб, фикримизча (1-расм) мамлакатимизда кичик бизнес субъектларининг инвестиция имкониятларини баҳолаш, инвестиция ресурсларидан фойдаланишнинг самарали йўлларини аниқлаш, инвестиция жараёнини турли воситалар орқали қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилишни ўз таркибига олувчи намунавий-худудий масоғавий (on-line) маслаҳат-амалий қўмаклашиш хизматлар пакетини ташкил этиш асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кичик бизнесни инвестициялашнинг жаҳон амалиёти таҳлилига асосланган ҳолда, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик корхоналар

⁶² Юлдашев А.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инвестицияларни жалб қилишнинг аҳамияти. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 й. 3-4 бетлар. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/A_Yuldashev.pdf

⁶³ Муаллиф ишланмаси.

фаолиятини инвестициялаш самарадорлигини оширишда қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- кичик корхоналар фаолиятини барқарорлигини таъминлашга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани, хусусан, электро-энергия, газ, ичимлик суви, йўл-транспорт хизматлари кўрсатишни ривожлантириш;
- республиканинг вилоятлари кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бўйича ривожланишда ортта қолаётган вилоятларда ҳудудий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- кичик корхоналар фаолиятини узоқ муддатли давр учун ривожланиш дастурларининг ишлаб чиқилишини таъминлаш ва уларни амалга оширилишини назорат қилиб бориш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этилаётган инвестициялар, хусусан, хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига кичик корхоналарнинг моддий-техник базасини замон талабларига мос равища ривожлантириш;
- хусусий мулк, жумладан, хорижий инвесторлар манфаатларини химоя қилишнинг замонавий бозор механизмини шакллантириш;
- республика бўйича эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш орқали кичик бизнес соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этишни қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к.

Хуноса

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришда уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, кичик корхонларга инновацияларни жорий этишни рағбатлантиришга қаратилган янги тизимнинг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Бу турдаги ислоҳот дастурларига устуворликнинг қаратилиши мамлакатимизда кичик инновацион бизнесни ривожлантириш орқали макроиқтисодий барқарорликка эришиш учун замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги фармони № ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида”. [Http://turkiston.uz](http://turkiston.uz) (мурожаат санаси: 12.03.2020)
2. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: 1993, с. 26.

3. Шахмалов Ф.И. Взаимодействие предпринимательских и властных структур: вопросы теории и практики. Автореферат диссертации доктора экономических наук. Санкт-Петербург. 1998. С. 34.
4. Мухин Ю.С. Предпринимательство в рыночном хозяйстве: региональные аспекты его регулирования.
5. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари: Дарслик. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: иқт. фан. док. дисс. -Т.: 2017. – 309 б.
7. Толаметова З.А., Қулматов А.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш янги иш жойларини яратишнинг муҳим омили сифатида. Иқтисод ва молия 2015, 2. 12 б
8. Kersten R, Harms S, Liket K and Maas K. 2011 Small Firms Large Impact? A Systematic Review of the SME Finance Literature. World Development 97 p. 330-348
9. Ergashev I.I. Development of small business and private entrepreneurship factors affecting the efficiency of spent investment and their characteristics. Замонавий фан, таълим ва тарбиянинг долзарб муаммолари. Electronic journal of actual problems of modern science, education and training. December, 2020-vii. Issn 2181-9750. Урганч. Page-176-181.
10. Ergashev.I.I. Increasing innovation potential and investment activity in the development of effective entrepreneurship. "Economic archive". Economical Academy. D.A. Tsenova in Svishtov, Bulgaria. 2018, Issue 4. 17.12.2018. ISSN: 2367 – 9301 –Electronic Edition.
11. Эргашов И.И. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда таркибий силжишлар ва ҳудудий ўзгаришлар. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар, илмий-методологик ва илмий-услубий журнал. ISSN 2181-7286. 2021 №4 Июл-август. 121-130 бетлар
12. Эргашов И.И. Кичик бизнесни инвестицион салоҳиятини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. // Иқтисод ва молия 2021 йил №7 (143). Илмий – амалий журнал. 21-28 бетлар. (08.00.00; № 18)
13. MSME Day 2019. <http://www.intracen.org/MSME-day/2019/>
14. Stat.uz. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.
15. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги тизим жорий этилади. - <https://www.pv.uz/uz/news/budet-vnedrena-novaja-sistema-razvitija-malogo-biznesa-i-predprinimatelstva>
16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида https://cbu.uz/oz/press_center/reviews/430185/
17. <https://review.uz/oz/post/tpp-v-podderjke-predprinimateley>



Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali

+998 71 239 28 13



Tashkent, Uzbekistan